



**4-ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШ САНОАТИ
ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ**

28.02 ▶ 01.03 • 2023

ЎЗЭКСПОМАРКАЗ • ТОШКЕНТ • ЎЗБЕКИСТОН

МАТБУОТ РЕЛИЗИ

28.02.2023

ICCI анжумани – ишбилармонлар мулоқотнинг янги формати

Тошкент яна бир бор қурилиш соҳаси экспертлари ва мутахассисларини **4-Қурилиш саноати халқаро анжумани** – ICCI да жамламоқда. Анъанавий тарзда анжуман Ўзбекистоннинг энг йирик «Қурилиш - UzBuild» халқаро кўргазмаси доирасида ўтказилмоқда

Ўтказилиш санаси ва жойи: 2023-йил 28-феврал - 1-март «Ўзэкспомарказ»да.

ICCI Ўзбекистондаги қурилиш саноатининг ягона мулоқот платформаси бўлиб, унда тайёргарлик ишларидан тортиб тайёр объектни бошқаришгача қурилишнинг барча босқичлари муҳокама қилинади.

Икки кун ичида **Австрия, Қозоғистон, Россия, АҚШ, Туркия, Ўзбекистон, Франция ва Швециядан 28 нафар маърузачи ва 300 дан ортиқ делегатлар** қурилишнинг замонавий тенденциялари ва кўчмас мулкни бошқаришнинг долзарб масалаларини ҳал қилишнинг янги ёндашувларини муҳокама қиладилар.

ICCI 2023 аниқ мавзуга максимал даражада мўлжалланган фокус-сессия форматида бўлиб ўтади. Тадбирнинг мазмунга бой дастури тушунча олиш, тўғридан-тўғри мулоқот қилиш ва нуфузли мутахассислар билан фикр алмашиш имкониятини беради.

Анжуман делегатлари орасида йирик хорижий ва маҳаллий қурилиш компаниялари вакиллари, қурилиш, пардозлаш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасидаги етакчи экспертлар, қурилиш ва кўчмас мулкни бошқариш бўйича мутахассислар, урбанистлар, ишлаб чиқарувчилар, илмий доиралар вакиллари, меъморлар, дизайнерлар ва тегишли соҳалар мутахассислари мавжуд.

Анжуманнинг асосий мавзулари:

- замонавий қурилиш: янги ёндашувлар, тушунчалар ва халқаро стандартлар;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- савдо кўчмас мулки;
- меҳмонхона бизнеси;
- қурилишни бошқариш;
- саноатни ўзгартириш ва рақамлаштириш;
- ламинатланган пол қопламалари ва декоратив панеллар;
- яшил қурилиш;

Анжуман иштирокчилари, шубҳасиз, қурилишда юзага келадиган кўплаб муаммолар ва қийинчиликларни ҳал қилишда ёрдам берадиган фойдали маълумотларни олишади.

Coç Construction, Kastamonu, Semrén & Månsson ва Халқаро молия корпорацияси (IFC) вакиллари қурилишда янги ёндашувлар, тушунчалар ва халқаро стандартлар бўйича ўз тажрибалари ва фикрлари билан ўртоқлашадилар.

Қурилишнинг асосий жиҳати қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш бўлиб, ушбу мавзуга анжуманнинг бир нечта сессиялари бағишланган. «Kastamonu», «Оҳангаронцемент» АЖ, «Латунинг Про», «Ecoton Sharq» ва бошқаларнинг чиқишларида қурилиш материаллари, ламинатланган пол қопламалари, декоратив панеллар ишлаб чиқариш масалалари кўриб чиқилади.

Етакчи кўчмас мулк бўйича маслаҳатчилар - Commonwealth Partnership компанияси кўчмас мулк соҳасида ўзларининг ишланмалари ва ғоялари билан қуйидаги мавзулар бўйича музокаралар олиб боради: савдо кўчмас мулки, меҳмонхона бизнеси ва қурилишни бошқариш. Ушбу сессиялардаги мунозараларда Project 2018, High Architecture International, Accor, Golden House, Balton Trading Asia ва HMPartners вакиллари ҳам иштирок этадилар.

Қурилиш саноати IT-ечимларни ва автоматлаштиришни фаол жорий этиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида энг жадал ривожланаётган соҳалардан биридир. Анжуман доирасида қурилишни ўзгартириш ва рақамлаштириш, БИМ технологиялари тақдимоти, қурилишнинг турли босқичларида сунъий интеллектдан фойдаланиш имкониятларига ҳам эътибор қаратилади. Ушбу мавзу бўйича маълумотлар PlanRadar Software Trading, M-Project Kz LLP (Marks Group) ва Live Soft International томонидан баҳам кўрилади.

Шунингдек, анжуман доирасида Халқаро молия корпорациясининг (IFC, World Bank Group) махсус сессияси бўлиб ўтади, унда махсус дастур: стандартлар ва «яшил» қурилишни халқаро сертификатлаш тизими ҳақида гапирилади.

Расмий кўмак кўрсатмоқда:

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
- «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси
- Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси

Анжуман ҳомийлари:



Анжуман ҳамкорлари:



Ташкилотчи: Congresses of Central Asia – CCA ва унинг ҳамкори Iteca Exhibitions

Қўшимча маълумот учун мурожаат қилинг:

Тел.: 71 237 15 54 Email: icci@cca.uz Web.: www.icci.uz